«Шараф кодекси» ва уни татбиқ этиш механизмлари

«Шараф кодекси»ни ишлаб чиқиш ва қўллашнинг долзарблиги

Талабаларда миллий қадриятларга, ўзи яшаётган заминга нисбатан ижобий ёндошувни кучайтириш зарурати.

Талабаларга тарбия беришда уларнинг дунёқарашлари ва ўзаро муносабатлари орқали уларга таъсир этадиган механизм яратиш зарурати.

Ижтимоий фаол ва “бефарқ” талабаларга бериладиган имкониятларнинг фарқи даражаси камлиги.

Талабалар билан иш олиб боришда “Кичик хатоларнинг катта хатоларни олдини олиши” тамойили ишламаслиги.

Университетларда профессор-ўқитувчилар, талабалар ва битирувчиларни битта мақсад атрофида бирлаштирувчи ғоянинг ва муҳитнинг мавжуд эмаслиги.

«Шараф кодекси»ни мақсади

Ходим ва талабаларда олий таълим муассасасига хурмат, мухаббат руҳини шакллантириш

Талабаларга олий таълим муассасасига нисбатан "Фахрим-ғурурим" ғоясини сингдириш

Талаба-ёшларни, ўқитувчиларини бирлаштирувчи, қадриятларни акс эттирувчи, илмий тадқиқотларга ундовчи, талабалар, педагоглар, профессорлар ва битирувчиларимизни ғурурланишларига, маслакдош бўлишларига ундовчи рамз(тумор,талисман)ни, ОТМ брендини яратиш.

Касбга бўлган садоқат тушунчасини юксалтириш

Келгуси фаолияти давомида таълим олган олий таълим муассасасига бўлган ҳурмат руҳини уйғотиш

«Шараф кодекси» бўйича халқаро тажриба

Гарвард университети (АҚШ), Бостон Университети (АҚШ).

М.В.Ломоносов номидаги МДУ, Россия Иқтисодиёт Олий мактаби, Санкт Петребург университети (Россия)

Грац технологиялар университети (Австрия)

Халқаро Коинотни тадқиқ этиш университети(Страсбург, Франция)

«Шараф кодекси» контенти

Преамбула - Шараф кодекси, ОТМ қадриятлари ҳақида маълумот

Профессор–ўқитувчи, ходим ва талабаларининг университет шаъни ва имиджини кучайтириш, унинг анъаналари ва қадриятларига содиқ бўлиш борасидаги вазифалари. Кодекс талабларига зид бўлган ишларни амалга оширмаслик, агар бундай ҳолатлар юз берса нима бўлиши ҳақида маълумот.

Шараф кодексини амалга ошириш механизмлари. Академик ютуқларга эга, ижтимоий фаоллик билан бирга кодесга зид қилган ишларни ҳисобга олган ҳолда талабаларнинг рағбатлантирилиши ёки жавобгарлиги шартлари ҳақида маълумот.

«Шараф кодекси» талабларини баҳолаш мезонлари

№	Қайд этилган ҳолат ва фактлар					
1	Академик ютуқлар	Аъло	Яхши	Қониқарли	3 тагача арзи бор	3 та ва ундан кўп қарзи бор
		5	4	3	2	1
2	Ижтимоий фаоллиги	Халқаро масштабда	Республика масштабида	Университет доирасида	Факультет доирасида	Гуруҳлар доирасида
		5	4	3	2	1
3	Шахсий ютуқлари	Халқаро миқёсда	Республика миқёсида	Вилоят миқёсида	Шаҳар ва туман миқёсида	Университет миқёсида
		5	4	3	2	1
4	Кодексга зид бўлган ҳолатлар	Кичик	Ўрта	Катта	Университет шаънига доғ тушириш	Жиноятни амалга ошириши
		-1	-2	-3	-4	-5

«Шараф кодекси»ини амалга ошириш механизми

«Шараф кодекси» университет сайти, телеграм каналлари ва талабалар қўлланмаларида кенг ёритилади.

Талабалар биринчи курсда ўқишга қабул қилинганлиги муносабати билан ташкил этиладиган тадбирлар ва учрашувларда талабаларга университет анъанали, қадриятлари ва «Шараф кодекси» ҳақида батафсил маълумот берилади.

Маънавият ва маърифат бўлими томонидан талабаларнинг «Шараф кодекси» да қайд этилган талабларга жавоб бериши, уларнинг фаоллиги, талабларни бузиш ҳолатлари доимий равишда қайд этиб борилади.

Ижтимоий рейтенги юқори бўлган талабаларга имтиёзлар кенг берилади

Битирувчиларга талабаларнинг ўқиш даврида тўплаган умумий баллари асосида иш берувчига тавсиянома қўринишдаги дипломга илова тақдим этилади.

«Шараф кодекси»ини амалга ошириш механизми

Талабалар ва битирувчиларнинг академик ютуқлари, ижтимоий фаоллиги ва университет обрўсини кўтаришдаги ҳиссасини ўзида жамлаган эектрон база шакллантирилади.

Иш берувчилар томонидан битрувчиларни ишга қабул қилиниши жараёни давомида улар ҳақидаги маълумотларни қисқа муддат ичида олишлари имконини беради.

Электрон базани шакллантириш ва юргазиш маънавият бўлими томонидан амалга ошириб борилади. Электрон платформани яратиш учун 2 млрд. Сўм миқдорда маблағ талаб этилади.

Шараф кодекси одоб ахлоқ қоидаларидан фарқи: ютуқларга эришган ва эришаётган талабаларга рағбатлантириш ва мотивация бериш орқали уларнинг дунёқараши ва масъулиятини шакллантириб боради.

«Шараф кодекси» ни қўлланилишидан кутилаётган натижалар

Ижтимоий фаол, яхши натижаларга эришаётган ва кодекси бузган талабанинг хулқи, атвори ва ўзини тутиши бўйича маълумотлар шаклланади. Талабаларнинг қизил, сариқ ва яшил гуруҳларга бўлиниши аниқ фактлар асосида амалга оширилади.

Талабаларга қўрқитув эмас нозик ҳис туйғулар ва орият орқали таъсир этилади.

Ҳар битта талабанинг ОТМдаги ўзини тутиши ва фаоллиги доимий баҳоланиб бориши натижасида унинг масъулияти ва ижтимоий фаоллиги ошиб боради.

Ҳар битта талабанинг университет муҳитида шаклланган дунёқараши унинг жамиятда ўзини тўғри тутиши ва қадриятларга нисбатан ижобий муносабатда бўлишига замин яратади.